



**XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI  
QARORI**

2020 yil " 20 " noyabr

92/14-6-son

**Ўзбекистон тумани ҳудудидаги бир-бирини такрорловчи кўча  
номларини ўзгартириш ҳамда мавжуд кўчаларни тасдиқлаш бўйича  
туман ҳокими ҳузуридаги топономик объектларга ном бериш  
масалаларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси хулосаларни  
тасдиқлаш тўғрисида**

Тумандаги бир-бирини такрорловчи кўчалар номини қайта номлаш, жумладан жойларнинг қадимий номларини тиклаш юзасидан тушган таклифлар кўриб чиқилди. Мазкур таклифлар агрофлича муҳокама қилиниб, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси томонидан кўчаларни қайта номлаш ҳамда тумандаги мавжуд кўча номларини тасдиқлаш тўғрисида хулосалар тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 448-модда; 2017 й., 35-сон, 914-модда*)га, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 295-сонли Қарори (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда, 42-сон, 490-модда; 2017 й., 30-сон, 733-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2018 й., 09/18/400/1289-сон*)га ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.03.2014 йил кунги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 48-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда; 2017 й., 35-сон, 931-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2019 й., 09/19/302/2924-сон*) га мувофиқ туман комиссияси таклифларини инобатга олиб,

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда*)нинг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон тумани ҳудудидаги бир-бирини такрорловчи кўча номларини ўзгартириш ҳамда мавжуд кўчаларни тасдиқлаш бўйича Географик объектларга ном бериш ва уларни номини ўзгартириш бўйича Фарғона вилояти ҳамда туман комиссияларининг хулосалари тасдиқлансин;

2. Ўзбекистон тумани ҳудудидаги бир-бирини такрорловчи кўча номларини ўзгартириш бўйича туман ҳокими ҳузуридаги топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияси баёни қарорига асосланиб айрим маҳалла ва кўчаларни қайта номлаш тўғрисидаги туман ҳудудий комиссиясининг таклифлари 1-иловага мувофиқ;

- туман ҳудудидаги мавжуд қонунга зид номларни қайта номлаш бўйича таклифлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

3. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман ҳудудий комиссияси (Ш.Шокиров), туман ички ишлар бўлими (Б.Наджмитдинов) бир ой муддатда:

Кўчаларнинг қайта номланиши муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар (географик ном кўрсаткичларининг алмаштирилиши, ҳудудлардаги фуқаролар паспортларига, муассаса, корхона ва ташкилотлар иш қоғозларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бошқа ишлар)нинг бажарилишини таъминласин;

4. Туман статистика бўлими (О. Абдуллаев) 2 ҳафта муддатда қайта номланган маҳаллани статистик кўрсаткичларига белгиланган тартибда зарурий ўзгартиришлар киритсин;

5. “Яйпан овози” газетаси тахририяти (К.Шерматов), туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик расмий веб сайтига жойлаштириш таъминлансин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича” доимий комиссияси (А. Ўринбоев) зиммасига юклатилсин.

Халқ дупутатлари туман  
Кенгаши раиси:



Қ. Джўраев

Халк депутатлари туман  
Кенгашининг 2020 йил “20”  
ноябрдаги 92/14-6-сонли  
қарорига 1-илова



**Ўзбекистон тумани худудидаги бир-бирини такрорловчи кўча номларини қайта номлаш бўйича таклифлар**

№	Маҳалла фуқаролар йиғини	Кўчанинг Эски номи	Тасдиқдан ўтган янги номи
1.	Беруний МФЙ	Ибн Сино	Темурбек
2.	Эски Яйпан МФЙ	Ибн Сино	Жасорат
3.	Кулибек МФЙ	Ибн Сино	Тадбиркорлар
4.	Яккатут МФЙ	Ибн Сино	Дўстлик
5.	БозорЯйпан МФЙ	Ибн Сино	Ибн Сино
6.	Кичик Оқмачит	Зиёкор	Нурафшон
7.	Оқмачит МФЙ	Зиёкор	Фаровон
8.	Яйпан Гузар МФЙ	Зиёкор	Зиёкор
9.	Шакаробод МФЙ	Зиёкор	Бунёдкор
10.	Дашт-Чўлпон МФЙ	Зиёкор	Шифокорлар
11.	Элчи МФЙ	Зиёкор	Мураббийлар
12.	Ражабгарди МФЙ	Зиёкор	Обод
13.	Қайқубод МФЙ	Зиёкор	Бинокор
14.	Бозор Яйпан МФЙ	Обод маскан	Обод маскан
15.	Дашт чўлпон МФЙ	Обод маскан	Ўрикзор
16.	Охта Тағоб МФЙ	Шодлик	Гулзор
17.	Хайдаробод МФЙ	Шодлик	Ўрта кўча
18.	Бозор Яйпан МФЙ	Шодлик	Шодлик
19.	Жанобод МФЙ	Шодлик	Нихол
20.	Кичик тағоб МФЙ	Шодлик	Иттифоқ
21.	Шўркишлоқ МФЙ	Шодлик	Дўстлик
22.	Бузукқўрғон МФЙ	Шодлик	Бирдамлик
23.	Шакаробод МФЙ	Шодлик	Ойдин
24.	Ислон МФЙ	Шодлик	Зиёлилар
25.	Эски Яйпан МФЙ	Шодлик	Адиروبод
26.	Ўқчи МФЙ	Бозор боши	Бозор боши
27.	Паст кўрик МФЙ	Бозор боши	Намуна

Халқ депутатлари туман  
Кенгашининг 2020 йил  
“20” ноябрдаги 92/14-6-  
сонли қарорига 2-илова



**Ўзбекистон тумани ҳудудидаги мавжуд қонунга зид номларни қайта  
номлаш бўйича таклифлар**

<b>№</b>	<b>Маҳалла фуқаролар йиғини</b>	<b>Маҳалла фуқаролар йиғинининг эски номи</b>	<b>Тасдиқдан ўтган янги номи</b>
1	Товуш МФЙ	Товуш	Тинчлик
2	Каримдевона МФЙ	Каримдевона	Каримобод
3	Ойимчақақир	Ойимчақақир	Мевазор
<b>Қонунга зид номларни қайта номлаш бўйича таклифлар</b>			
1	Бозор Яйпан МФЙ	Овоза	Истикбол